

Мухаббат ИМОМОВА
Тошкент молия институти

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ ТИЗИМЛИ ИСЛОҲОТЛАРИ ХУСУСИДА

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт эркинлашуви ва модернизациясининг ҳозирги босқичида амалдаги солиқ қонунчилиги асосида жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тизимли ислоҳотлари тавсифи, уларни такомиллаштиришнинг зарурлиги ва аҳамияти, ҳозирги замон хусусиятлари ва муаммолари давлатнинг жисмоний шахслар мол-мулки ва капитали даҳлсизлиги ва улар ҳимояси, мол-мулк ва капитални ўстиришдан манфаатдорлиги кафолатларини таъминлашга оид тезкор тадбирлари нуқтаи-назаридан кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *мол-мулк ва капитал, жисмоний шахслар мол-мулки ва капитали қиймати, мол-мулкнинг қолдиқ қиймати, мол-мулкнинг кадастр қиймати, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи элементлари, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи амалиётидаги тизимли ислоҳотлар.*

REGARDING SYSTEMATIC REFORMS OF PROPERTY TAX FROM INDIVIDUAL PERSONS

Abstract. *In the article, at the current stage of the liberalization and modernization of the economy in the Republic of Uzbekistan, the description of the systematic reforms of the property tax levied on individuals based on the current tax legislation, the necessity and importance of their improvement, the characteristics and problems of the present time, the state's property and capital of individuals and their protection, viewed from the point of view of its operational measures to ensure guarantees of interest in property and capital growth.*

Key words: *property and capital, value of property and capital of individuals, residual value of property, cadastral value of property, property tax from individuals, elements of property tax from individuals, property tax from individuals systemic reforms in property tax practices.*

Кириш

Дунёда мол мулк солиғи умумий солиқ тизимининг асосий элементи сифатида қаралади. Бугунги кунга келиб дунёнинг 130 дан ортиқ давлатларида мол-мулкка солиқлар амал қилиши тўғрисида маълумотлар мавжуд. Аксарият давлатлар амалиётида мол-мулкка солиқлардан тушумлар маҳаллий бюджетларга йўналтирилган. Бундай тушумларнинг маҳаллий бюджетлардаги салмоғи ҳар давлатда ҳар хил, жумладан кўчмас мулкка солиқдан тушумнинг

улуши Францияда 2,17 фоиз, Данияда 1,85 фоиз, Нидерландия ва Италияда 1,8 фоиз, Германияда 1,06 фоиз, Швецияда 0,89 фоизни ташкил этган. Шу билан бирга, айрим ривожланган мамлакатларда мазкур солиқ нафақат маҳаллий бюджетларда, балки умумий давлат бюджетларида ҳам сезиларли улушга эга. Хусусан, Буюк Британияда кўчмас мулкка солиқлар жами бюджет даромадларининг қарийб 10 фоизини ташкил этади. Бу кўрсаткич АҚШда 9 фоизни, Канадада 8 фоизни ташкил этади. Мазкур рақамлар жаҳон амалиётида мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва ундиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Жаҳон амалиётида жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқларни ҳисоблаш масалалари ҳам тадқиқот объекти сифатида кенг ўрганилмоқда. Лекин амалга оширилаётган тадқиқотларда мол-мулк солиғини ҳисоблаш хусусиятлари ва корхоналар фаолиятига таъсири таҳлили, маҳаллий бюджет даромадларини оширишда мол-мулк солиғидан оқилона фойдаланиш, мол-мулк солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш масалалари етарлича очиб берилмаганлиги бу борада тадқиқотларни олиб бориш заруриятини келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган солиқ ислохотларининг моҳияти, табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни солиқлар воситасида рағбатлантириш, солиқ юкини солиқ тўловчилар ўртасида адолатли тақсимлаш, барча тоифадаги солиқ тўловчиларни ресурс солиқларини тўлашга ўтказиш ва бу борада, «ҳар бир туман ва шаҳарда, солиққа тортиш базасини кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш» [1], эгалликда ва фойдаланишда бўлган мулк ва капиталга илмий асосланган ҳолда солиқ солиш масалаларига қаратилган. Ҳозирда жисмоний шахслар мол-мулкиданер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг солиқ омиллари масаласи Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Йўл харитаси[2]да муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Умуман, табиий ресурсларни илмий асосланган ҳолда солиққа тортишда ер ресурсларини самарали бошқаришдан манфаатдорликни ошириш, маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштиришда ушбу солиқ салмоғини кўпайтириш иқтисодчи-олимларимиз ва соҳа мутахассислари ўртасидаги муаммоли масалалар бўлиб, бу борадаги муаммоларни тадқиқ этиш ушбу мақоламиз мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Адабиётлар таҳлили

Солиқ Кодекси, бошқа қонуности ҳужжатларда “жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи” элементлари умумий тарзда берилган, бироқ солиқ тизими модернизацияси янги талаблари асосида мазкур элементлар муаммолари ва уларни такомиллаштириш тартиби белгиланмаган. Шу билан

бирга, иқтисодий адабиётда жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи мазмунини ифодалашда ягона ёндошув йўқлигини кўришимиз мумкин.

Умуман, солиққа тортиш амалиётига оид иқтисодий адабиётда ва муаллифларнинг илмий чиқишларида жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи мазмуни сифатида турли тушунчалар талқин қилинмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Иқтисодий адабиётларда жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи мазмуни сифатида талқин этилган тушунчалар¹


T/p	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи зарурлиги ва мазмуни сифатида талқин этилган тушунчалар	Муаллифлар	Адабиётлар манбаси
1.	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи маҳаллий солиқ бўлиб, эгалигида мол-мудк рўйхатда бўлган барча резидент ва норезидентлар қонунчилик асосида тўлайдилар[3].	Зыряпова Т.В., Овчинникова С.В.	Налог на имущество физических лиц: особенности исчисления и взимания в управленческом контексте // Экономика и управление, 2015. № 5. С. 170-181
2.	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкасининг ўзгариш тенденцияларини ўрганди, уни оптимал даражада белгилаш мезонларини таклиф этди ва мезонларини тизимлаштирди[4]	Клоков Е.А.	Реформа налогообложения недвижимого имущества физических лиц: от ожиданий к первым результатам (часть I) // Научный вестник Омской академии МВД России № 2 (69), 2018. С. 39-47.
3	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг маҳаллий бюджетлар ижросидаги аҳамияти истикболларини белгилашдаги роли ошиб бораётганлигини асослаб берилган[5].	Мигашкина Е.С.	Реформирование налога на имущество физических лиц и его влияние на доходы бюджета // Экономика.Налоги.Право. 2016. № 1. С. 135-142.
4	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи мулкнинг кадастр қийматидан ҳисобланиши тартибининг ҳозирги замон муаммоларини ва уларга оид низоларни кўриб чиқиш амалиётини такомиллаштиришга оид тавсияларини беришган[6].	Заббарова О. А., Ярославская О. К.	Введение налога на недвижимое имущество для физических лиц: проблемы и перспективы // Управление экономическими системами: электронный научный журнал. 2015. № 1 (73). С. 24-31.
5	Жисмоний шахслардан олинадиган	Мусалимов Ш.И.	Мол-мулк солиғини ҳисоблаш

¹ Адабиётларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан тузилди.

	мол-мулк солиғи маҳаллий бюджетлар даромадларининг муҳим манбаи ва ресурс солиқларининг бир тури[7].		ва ундириш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. Т: ТМИ, 2020.-59 б.
6	Халқаро солиқ амалиётига таянган ҳолда кўчмас мулк объектларининг бозор баҳосидан кам бўлмаган миқдорларда баҳолаш орқали солиққа тортиш бюджетга солиқ тушумларини ошириш билан бирга мол-мулклардан самарали фойдаланишни тартибга солади. Шу билан бирга, мол-мулк ва ер солиқларини унификациялаш орқали босқичма-босқич кўчмас мулк солиғини жорий этилиши билан солиқ маъмуриятчилиги соддалаштирилади[8].	Боймуродов С.Р.	Маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштиришда ер ва мол-мулк солиқларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. Т: ТМИ, 2021.-58 б.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг элементларининг тизимли ифодаси 1-расмда акс этган.



1-расм. Солиқ қонунчилигига асосан жисмоний шахслар мол-мўлк солиғининг асосий элементлари²

² Солиқ кодексининг 60-боби, 418-423-моддалари.

1-расмдан кўринишича, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи элементлари амалдаги Солиқ кодексининг 60-боби, 418-423-моддаларида акс этган.

Мазкур солиқдан тушумлар фискал аҳамиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йилларда уларнинг қиймати ўсишига қарамай, уларнинг улуши пасайиш тенденциясига эга (2-жадвал).

2-жадвал.

2017-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқнинг фискал аҳамияти таҳлили³

№	Кўрсаткичлар	Йиллар						2022 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариш (марта)
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	
1.	Давлат бюджети даромадлари (мақсадли жамғармаларсиз), млрд.сўм	44500,0	62229,5	112300	132900	164680,3	200000	4,5
2.	Мол-мулк солиғидан тушумлар, млрд сўм	2129,7	2158,9	1851,1	1974,3	2457,3	3173,8	1,6
3.	Мол-мулк солиғидан тушумлар, %да	3,2	3,5	1,8	1,5	1,5	1,6	0,5
4.	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғидан тушумлар, млрд сўм	687,6	708,3	806,7	733,4	881,2	1069,8	1,6
5.	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғидан тушумлар, %да	27	27,2	28,9	28,2	35,9	33,7	1,2

2-жадвал маълумотларидан кўринишича, 2017-2022 йилларда мол-мулк солиғидан тушум миқдори 1,6 марта (3173,8 млрд.сўм: 2129,7 млрд.сўм)га ўсгани ҳолда, уларнинг улуши 2 баробар пасайган (1,6%: 3,2%). Мазкур даврда жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқдан тушумлар миқдори ҳам 1,6 марта (1069,8 млрд.сўм: 687,6 млрд.сўм)га ўсгани ҳолда, уларнинг мол-мулк солиғидан тушумлардаги улуши 1,2 марта (33,7 %: 27,0 %)га ошган.

Жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқни ҳисоблашда 2017 йилга қадар мол-мулкнинг инвентаризация қиймати, 2018 йилдан бошлаб эса кадастр қиймати асос қилиб олинмоқда.

³ Ўзбекистон республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги қошидаги Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

2017-2023 йилларда жисмоний шахслардан мол-мулк солиғини ҳисоблашда табақалашган прогрессив ставкадан фойдаланилмоқда (3-жадвал).

3-жадвал

2017-2023 йилларда жисмоний шахслардан мол-мулк солиғи ставкаларининг ўзгариши (фоизларда)⁴

Солиққа тортиш объекти	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
Турар-жойлар, квартиралар (200 кв. м ортиқ умумий майдонга эга бўлганлардан ташқари), дала ховли ва боғ уйчалари, гаражлар ва бошқа иморатлар	1,7	0,2	0,2	0,23	0,25	0,25	0,28
Шаҳарларда жойлашган турар-жойлар, квартиралар умумий майдонига нисбатан:							
200 кв. м дан ортиқ 500 кв.м гача	2,1	0,25	0,25	0,3	0,33	0,33	0,37
500 кв. м дан ортиқ	2,9	0,35	0,35	0,4	0,44	0,44	0,49
Бошқа аҳоли пункларида жойлашган 200 кв. м ортиқ умумий майдонга эга бўлган турар жойлар ва квартиралар	2,1	0,25	0,25	0,3	0,33	0,33	0,37

3-жадвал маълумотларидан кўринишича, 2017-2022 йиллар давомида жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкалари ошиб борган, бунинг асосий сабабларидан бири аҳолининг ортиқча пул маблағларини ишлаб чиқаришга, тадбиркорлик билан шуғулланишга инвестиция қилишга йўналтириш кўзда тутилганлиги билан бирга шаҳар жойларда дабдабали уйлар қуришнинг олдини олишга ҳам қаратилгандир.

2017-2022 йиллар давомида жисмоний шахслар томонидан 200 квадрат метрдан юқори ва 500 квадрат метргача бўлган майдондаги ҳамда 500 квадрат метрдан юқори бўлган объектлардан олинган мол-мулк солиғининг нисбатан жадал ўсиши жисмоний шахсларнинг мулклардан тижорат мақсадида кенгрок фойдаланишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар кўришни талаб этади.

Хулоса

1. Жисмоний шахслар мол-мулкидан олинган солиқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти солиқнинг мазмунидан келиб чиқади. Мол-мулкни солиққа тортиш орқали биринчидан, жамият бойлиги, у кимга тегишли

⁴ Тегишли йиллардаги солиқ қонунчилиги асосида муаллиф томонидан тузилди.

бўлишидан қатъий назар солиққа тортиш механизми орқали мол-мулк тартибга солинади ва иккинчидан эса, бойликнинг муайян қисми давлат бюджетига - харажатларини молиялаштириш мақсадида қонунларда белгиланган тартибда қайта тақсимланади. Давлат жисмоний шахслар мол-мулкнинг кўпайишидан манфаатдор. Жисмоний шахслар эса ўз мол-мулкларининг дахлсизлигидан манфаатдор бўладилар, бунинг эвазига ўз мол-мулкидан давлатга белгиланган тартиб ва ставкаларда солиқ тўлаб борадилар.

2. Мол-мулкни солиққа тортишнинг умумий тартиби бўйича мол-мулк икки гуруҳга: кўчмас ва кўчар мулкларга бўлиб солиққа тортилади. Кўчмас мулкларга ер участкалари киради, унда турган бино, иншоот ва бошқа доимий жойлашган қурилишлардир. Мазкур ёндашувдан келиб чиқиб, кўчар мулклар ҳам ўз навбатида ер билан боғлиқ ва боғланмаган бойликларга ажратиш мумкин. Кўчмас мулкларга кўпроқ эгалик қилиш ҳозирги шароитда баъзи шартларни келтириб чиқаради, сабаби мулк солиғининг объекти асосан кўчмас мулкларга қаратилган. Мол-мулк солиғи объектининг бундай табақаланиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришга солиқларнинг самарали таъсир ричаглари кўллашда имкониятларни чегаралаб қўяди, чунки аксарият ҳолларда кўчмас мулк объектлари ишлаб чиқаришда бевосита фойдаланиладиган ёки фойдаланмайдиган мол-мулк бўлиши мумкин. Шу нуқтаи-назардан ривожланган давлатларда, мол-мулкни солиққа тортишда тижорат фаолиятида қатнашадиган ва тижорат фаолиятида қатнашмайдиган асосий воситаларга ажратган ҳолда солиққа тортилади.

3. Жисмоний шахсларнинг нотураржой объектларини тадбиркорлик мақсадида фойдаланишга йўналтирилган объектлари йилдан-йилга кўпайиб бориши натижасида ундан олинadиган мол-мулк солиғи ҳам ошиб бормоқда. Бу албатта ижобий кўрсаткич бўлиб, охириги йилларда жисмоний шахсларнинг турар жой мулкларига нисбатан майдонига қараб мол-мулк солиғининг табақалаштирилган ставкаларининг жорий этилиши тадбиркорлик фаолиятида мулкдан кенгроқ фойдаланишни рағбатлантиришга ижобий таъсирининг самараси сифатида қабул қилиш мумкин.

4. Жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи тизимли ислохотлари мазкур солиқ барча элементларидаги тегишли ўзгаришлар билан бормоқда:

- янги тартибга кўра, солиқ тўловчига солиққа тортиш объектини сотиб олганлиги хабарини солиқ органларига етказиш маъсулияти юклатилди;
- солиққа тортиш объектлари сони кескин ўсиши кузатилмоқда;
- мулкнинг илгариги инвентаризация қийматидан унинг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қийматида баҳолаш тизимига ўтилганлиги оқибатида солиқ базаси ва тўланаётган солиқ суммасининг кескин ошиши;

- 2023 йилдан солиқ ставкаларининг ўсиши орқали прогрессив ставканинг фискал аҳамиятини ошириш тадбирлари ижросига ўтилганлиги;
- солиққа тортиш объектлари эгалари бўлган барча солиқ тўловчиларини яқин келажакда кўчмас мулк солиғи юкининг секин, лекин барқарор ўсиши кутмоқдаки, бу ҳолат айрим фуқароларни кўчмас мулкни солиққа тортиш объектининг бирмунча паст чекка ҳудудларига кўчиб ўтишларига мажбур қилиши мумкин ва бошқа томондан эса бу стратегия маҳаллий бюджет фискал базасини мустаҳкамлашга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-60-сонли Фармони.
- 3.Зыряпова Т.В.,Овчинникова С.В. Налог на имущество физических лиц: особенности исчисления и взимания в управленческом контексте // Экономика и управление, 2015. № 5. С. 170-181
4. Клоков Е.А. Реформа налогообложения недвижимого имущества физических лиц: от ожиданий к первым результатам (часть I) // Научный вестник Омской академии МВД России № 2 (69), 2018. С. 39-47.
5. Мигашкина Е.С. Реформирование налога на имущество физических лиц и его влияние на доходы бюджета // Экономика.Налоги.Право. 2016. № 1. С. 135-142.
6. Заббарова О. А., Ярославская О. К. Введение налога на недвижимое имущество для физических лиц: проблемы и перспективы // Управление экономическими системами: электронный научный журнал. 2015. № 1 (73). С. 24-31.
7. Мусалимов Ш.И. Мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва ундириш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. Т: ТМИ, 2020.-59 б.
8. Боймуродов С.Р. Маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштиришда ер ва мол-мулк солиқларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати.Т: ТМИ, 2021.-58 б.